



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2020 йил — ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2020 йил 31 июль, № 160 (7662)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ҚУРЪОН ҲАЙИТИ ТАБРИГИ

Қадрли ватандошлар!

Бутун ислом олами қаторида дину диёнати, эътиқоди мустаҳкам халқимиз катта интиқлик билан кутиб олаётган муборак Қурбон ҳайити билан сиз азизларни, юртимиздаги барча мусулмон умматини чин қалбимдан самимий табриклайман.

Кўхна тарихимиз давомида юртимизнинг маънавий ҳаётида бекиёс ўрин эгаллаб, жамиятимизда ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва бағрикенглик тамойилларини ҳар томонлама барқарор этиб келаётган бу кутлуг байрам барчамизга муборак бўлсин!

Ушбу муқаддас айёмда сизларга, бутун эл-юртимизга сихат-саломатлик, тинчлик-хотиржамлик, бахту саодат тилайман.

Дунё давлатлари қатори мамлакатимизни ҳам четлаб ўтмаган оғир синов — коронавирус пандемияси шароитида биз Қурбон ҳайитининг жамиятимиз ҳаётидаги бекиёс ўрни ва улкан аҳамиятини янада чуқур ҳис этмоқдамиз.

Айниқса, бу кутлуг байрамнинг моҳиятида муҳассам бўлган эзгу ва савоб ишлар қилиб яшаш, ўзаро ёрдам, меҳр-саховат, сабру қаноат, шукроналик, тинчлик ва соғлиқни қадрлашдек улғу фазилатлар бугун алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Шу маънода, айнан мана шундай муқаддас қадриятларимиз бугунги мураккаб вазиятда эл-юртимизга қўшимча куч-ғайрат, чидам ва бардош ато этмоқда, десак, тўғри бўлади.

Давлатимиз ва жамиятимиз томонидан қўрилаётган барча чора-тадбирларга қарамасдан, минг афсус-

ки, юртдошларимиз орасида ушбу қасалиқдан вафот этганлар ҳам бўлди. Уларнинг оила аъзолари ва яқинларига чин қалбимдан ҳамдардлик билдириб, барчаларига сабр-бардош тилайман, марҳумларнинг охиратлари обод бўлишини Яратгандан сўраб қоламан.

Албатта, пандемия туфайли оммавий тадбирларни, жумладан, Қурбон ҳайити билан боғлиқ маросимларни жамоат бўлиб адо этишда айрим чекловлар вужудга келганини мавжуд вазият тақозоси сифатида барчамиз яхши тушунамиз.

Муқаддас Қуръони қаримнинг бир неча ўринларида **хайр-эҳсон, эзгуликнинг муқофоти фақат яхшилик** экани алоҳида таъкидланган. Бу каби пурмаъно ҳикматлар бугунги синовли кунларда жамиятимизда меҳр-оқибат, саховат ва мурувват, ўзаро тотувлик, аҳиллик ва ҳамжихатлик муҳитининг тобора юксалиб боришида акс этмоқда.

Дарҳақиқат, ушбу оғир синов дамларида Аллоҳ таоланинг ўзи эзгу ва савоб амаллар учун янги имконият эшикларини очиб бермоқда. Хусусан, пандемия туфайли ишидан, доимий даромад манбаидан узилиб қолган, ёрдамга муҳтож инсонларга кўмак беришни юртдошларимиз ўзларининг инсоний бурчи, деб қабул қилаётгани таҳсинга лойиқдир. Зеро, муқаддас ҳадисларда келтирилганидек, ҳақиқий **мусулмон ўзига раво кўрганни бирдорига ҳам раво кўради**.

Айниқса, ҳалол меҳнати орқасидан жамғарган маблағини қариндош-уруғ-

лари, маҳалладоши ёки юртдошининг оғирини енгил қилиш учун ҳолис ният билан ҳада этган, меҳр-оқибатли, инсоф-диёнатли ва жонқуяр инсонларга Яратгандан ўзи ажру муқофотини беради, албатта.

Ана шундай олижаноб юртдошларимизнинг саъй-ҳаракатлари туфайли мамлакатимизда ташкил этилган “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати бугунги кунда том маънода қудратли кучга айланган.

Ўтган қисқа вақт давомида ушбу Ҳаракат доирасида амалга оширилган улкан ҳажмдаги хайрия тадбирлари ва меҳр-мурувват амаллари ҳам шундан яққол далолат беради.

Ана шу эзгу ишларимизнинг манتيқий давоми сифатида ҳамда пандемия даврида доимий даромад манбаига эга бўлмаган, кам таъминланган, ёрдам ва кўмакка муҳтож аҳоли қатламларини ва оилаларни ҳамда иқтисодий ёрдам томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш мақсадида аввал ажратилган 10 триллион сўм маблағга қўшимча равишда бугун мен имзолаган Фармонга мувофиқ, республика бюджетидан яна қарий 2,5 триллион сўм маблағ йўналтириш белгиланди.

Шу билан бирга, жамиятимизда тинчлик, дўстлик, меҳр-оқибат ва ҳамжихатлик гоёларини кенг тарғиб этиб келаётган диний соҳада хизмат қилаётган вакилларни моддий рағбатлантириш ҳамда жойларда хайру саховат, мурувват борасида амалга оширилаётган ишларни, жаҳолатга қарши — маърифат руҳидаги кенг қамровли

тадбирларни янги босқичга кўтариш учун Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳузуридаги “Вақф” хайрия жамоат фондига 150 миллиард сўм маблағ ажратилди.

Азиз юртдошлар! Биз орзу-ниятлари пок ва улғу халқимиз. Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий ҳазратларининг: **“Муроди кўпнинг Ҳаққа итоати ҳам кўп бўлади**”, деган сўзларида теран маъно муҳассам.

Эр юзига Аллоҳнинг раҳмати ёғилиб турган ушбу саодатли айёмда дунёнинг олис-яқин мамлакатларидаги барча мўмин-мусулмон биродарларимизни, хоржий дўст ва ҳамкорларимизни ҳам Қурбон ҳайити билан қизгин табриклар, уларга мустаҳкам тинчлик, бардавом тараққиёт тилайман.

Сиз, азиз ва муҳтарам ватандошларимизни Қурбон ҳайити билан яна бир бор чин қалбимдан муборакбод этаман.

Барча пок ниятларимиз ижобат бўлишини, Яратгандан ўзи юртимизни турли бало-қазолардан асрашини, бирдамлик, дўстлик ва аҳиллик туйғуларимиз янада зиёда бўлишини сўраб қоламан.

Жонажон Ватанимиз, хонадонларимиздан тинчлик-осойишталик, файзу барака ҳеч қачон аримасин!

Эзгу интилиш ва ишларимизда Аллоҳ таоло ҳамиша мададкор бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Қурбон ҳайити муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига хоржий давлатлар ва халқро ташкилотлар раҳбарлари, таникли сиёсат, жамоат ва дин арбобларидан самимий қутловлар келмоқда.

Уларда давлатимиз раҳбари ва Ўзбекистоннинг кўп миллатли халқига фаровонлик, тинчлик-осойишталик ва раванга, умумий глобал хатарларни тез фурсатда енгиб ўтиш тилаклари изҳор этилган.

- Кўйидагилар ўз табрикларини йўлаган:
- Қозғистон Республикасининг Биринчи Президенти — Элбоши **Нурсултон Назарбоев**;
- Қозғистон Республикаси Президенти **Косим-Жомарт Тоқаев**;
- Қирғизистон Республикаси Президенти **Сооронбай Жээнбеков**;
- Тожикистон Республикаси Президенти **Эмомали Раҳмон**;
- Туркменистон Президенти **Гурбангули Берdimухамедов**;
- Афғонистон Ислам Республикаси Президенти **Ашраф Ғани**;
- Туркия Республикаси Президенти **Режеп Таййип Эрдоган**;
- Озарбайжон Республикаси Президенти **Илҳом Алиев**;
- Бирлашган Араб Амирликлари Президенти **Шайх Халифа бин Зоид Ол Наҳаён**;
- Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти, Бош вазир, Дубай Амирлиги ҳокими **Шайх Мухаммад бин Рошид Ол Мактум**;
- Бирлашган Араб Амирликлари Куролли кучлари Бош қўмондони ўринбосари **Шайх Мухаммад бин Зоид Ол Наҳаён**;
- Эрон Ислам Республикаси Президенти **Ҳасан Рухоний**;
- Миср Араб Республикаси Президенти **Абдулфаттоҳ ас-Сиси**;
- Яман Республикаси Президенти **Абдураббу Мансур Ҳодий**;
- Фаластин Президенти **Махмуд Аббос**;
- Ўмон Султони **Ҳайсам бин Ториқ Ол Саид**;
- Кавказ мусулмонлари идораси раиси **Оллошқуыр Пошшоода**;
- Ислам ҳамкорлиги ташкилоти бош котиви **Юсуф ал Усаймин**;
- Ислам тараққиёт банки гуруди президенти **Бандар Ҳажар**;
- Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Ислам ташкилоти бош директори **Салим ал Малик**.

Қутловлар келиши давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИ ДАВРИДА ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА ВА ЁРДАМГА МУҲТОЖ АҲОЛИ ҚАТЛАМЛАРИНИ МОДДИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш даврида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва эҳтиёжманд оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ва халқимизнинг тарихий ва маънавий қадриятларини намойён этган “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракатини янада кучайтириш мақсадида, шунингдек, Қурбон ҳайити байрами муносабати билан:

1. Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ва ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича мутасадди идоралар томонидан шакллантирилган моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилаларнинг рўйхатларига (“темир дафтар”) киритилган ва **аъзолари 1,7 миллион нафардан ортиқ бўлган 400 мингдан кўпроқ оилаларга** Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан бир марталиқ моддий ёрдам кўрсатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги ва Марказий банки бир марталиқ моддий ёрдам пулларини моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилалар рўйхатларига киритилган оилаларга **2020 йил 15 августга қадар** етказилишини таъминласин.

2. 2020 йил 1 сентябрдан бошлаб пенсиялар, болаликдан ногиронлиги бўлган шахсларга, зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақалар миқдори **1,1 баробар** оширилсин.

3. 2020 йил 1 сентябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида: пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори — ойига **262 470** сўм;

ёшга доир энг кам пенсиялар — ойига **513 350** сўм;

болаликдан ногиронлиги бўлган шахсларга бериладиган нафақа — ойига **513 350** сўм; зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа — ойига **315 030** сўм этиб белгилансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги билан биргаликда 2020 йилнинг якунига қадар:

14 ёшгача болалари бўлган эҳтиёжманд нафақа олувчи оилаларнинг амалдаги сонини 2 баробарга ошириб, **700** минггача етказиш-ни;

бола 2 ёшга тўлгунча қадар бола парвариши бўйича нафақа олувчи эҳтиёжманд оналарнинг амалдаги сонини 330 мингдан **400** минггага ошириш;

моддий ёрдам олувчи кам таъминланган оилаларнинг амалдаги сонини 89 мингдан **100** мингга етказишни таъминласин.

4. Тўлаш мuddати 2020 йилнинг июль — сентябрь ойларида туғайдиган болалари бўлган оилаларга ва бола парвариши билан шуғулланадиган оналарга нафақа тўлаш навбатдаги 6 ой мuddатга (бола тегишлича 2 ёш ва 14 ёшдан ошмаган ҳолатда) давом эттирилсин.

5. Коронавирус пандемияси оқибатларини юмшатиш мақсадида ҳамда Қурбон ҳайити байрами муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан:

моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилаларнинг рўйхатларига (“темир дафтар”) киритилган

оилаларни молиявий қўллаб-қувватлаш учун “Саховат ва кўмак” жамғармасининг ҳудудий бўлимларига **200 миллиард сўм**;

тез тиббий ёрдам бригадалари ходимларига (врач, фельдшер, санитар ва ҳайдовчилар) бир марталиқ пул муқофоти бериш учун **100 миллиард сўм** маблағ ажратилсин.

6. Жамиятимизда тинчлик, дўстлик, меҳр-оқибат ва ҳамжихатлик гоёларини кенг тарғиб этиб келаётган диний соҳада хизмат қилаётган вакилларни моддий рағбатлантириш ҳамда жойларда хайру саховат, мурувват борасида амалга оширилаётган ишларни, жаҳолатга қарши маърифат руҳидаги кенг қамровли тадбирларни янги босқичга кўтариш учун Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳузуридаги “Вақф” хайрия жамоат фондига **150 миллиард сўм** маблағ ажратилсин.

7. Мазкур Фармоннинг 1, 5 ва 6-бандларида назарда тутилган маблағларнинг ёрдам ва кўмакка муҳтож оилаларга, тез тиббий ёрдам бригадалари ходимларига мақсадида ва манзилли етказилишни юзасидан қуйидагилар масъул этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж. А. Қўқоров, мутасадди вазирлик, идора ва тижорат банклари раҳбарлари — моддий ёрдам, пенсия ва нафақа пулларини тўлиқ ва ўз вақтида ажратиш ва жойларга етказиш бўйича;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. А. Мусаев, Соғлиқни сақлаш вазирлиги — тез тиббий ёрдам бригадалари ходимларига бериладиган бир марталиқ моддий ёрдам пулларининг манзили етказилиши бўйича;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимлари, сектор раҳбарлари ҳамда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари — пандемия даврида ёрдам ва кўмакка муҳтож оилалар рўйхатларининг шакллантирилиши ҳамда уларга моддий ёрдам пулларининг ўз вақтида ва манзилли етказилишини ташкил этиш ва назорат қилиш бўйича;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги — зарур маблағларнинг Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига ўз вақтида ажратилиши бўйича;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банклари билан биргаликда — моддий ёрдам маблағларини тарқатиш учун нақд пул билан таъминлаш бўйича.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари Ҳисоб палатаси билан биргаликда бир марталиқ моддий ёрдамнинг ўз вақтида ва мақсадида амалга оширилиши устидан назорат ўрнатсин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж. А. Қўқоров, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2020 йил 30 июль

МУҲТОЖ ОИЛАЛАРГА МОДДИЙ ЁРДАМ ПУЛИ БЕРИЛАДИ, НАФАҚАЛАР МИҚДОРИ 10 ФОИЗГА ОШИРИЛАДИ

Жаҳон микёсида, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам қатъий карантин чоралари киритилгани, энг аввало, иқтисодий фаолликнинг ва аҳоли даромадларининг пасайишига олиб келмоқда.

Айниқса, жорий йилнинг иккинчи чорагида иқтисодий вазият дунёнинг барча мамлакатларида кескин ёмонлашди. Ривожланган мамлакатларда ялли ички маҳсулотнинг пасайиши **10 — 20 фоизни**, ривожланаётган мамлакатларда эса **7 — 15 фоизни** ташкил этди.

Халқаро иқтисодий интеграция жараёналарига фаол кириб бораётган Ўзбекистон иқтисодиёти ҳам глобал муаммолардан зарар кўрмоқда. Инқирозга қарши қўрилган қатъий ва амалий чора-тадбирлар эвазига 6 ой якунлари билан Ўзбекистон ялли ички маҳсулотини **0,2 фоиз** ўсди.

Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида

банд бўлган шахслар иш жойларини вақтинча йўқотдилар, хориждан **200 мингдан ортиқ** ватандошларимизнинг олиб келиниши ишсизлар сонини кўпайтирди.

Бундай мураккаб шароитда аҳолини, айниқса, унинг эҳтиёжманд қатламини ижтимоий ва моддий қўллаб-қувватлаш масаласи давлатнинг биринчи даражали эҳтиёрида турибди.

Шу мақсадда 30 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Коронавирус пандемияси даврида ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Фармон қабул қилди.

Фармонга биноан: **Биринчидан**, пандемия шароитида моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож-

лар рўйхатига киритилган ва **аъзолари 1,7 миллион нафардан ортиқ бўлган 400 мингдан кўпроқ оилаларга** республика бюджетидан бир марталиқ моддий ёрдам пули берилди. Бунга республика бюджетидан қўшимча **380 миллиард сўм** ажратилди.

Иккинчидан, муқаддас Қурбон ҳайити байрами арафасида халқимизнинг тарихий ва маънавий қадриятларини намойён этадиган муҳтожлар ҳолидан хабар олиш аънанасини давом эттирган ҳолда, жойлардаги “Саховат ва кўмак” жамғармалари орқали **220 — 250** минг оилага республика бюджетидан жами **200 миллиард сўм** ажратилди. Бунинг натижасида **1 миллиондан ортиқ** аҳоли нақд пул, озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори-дармон билан таъминланади.

Шунингдек, ушбу улғу айём кунлари

“Вақф” хайрия жамоат фондиди қўллаб-қувватлаш мақсадида республика бюджетидан **150 миллиард сўм** ажратилди. Ушбу маблағ жамиятимизда тинчлик, дўстлик, меҳр-оқибат ва ҳамжихатлик гоёларини кенг тарғиб этиб келаётган диний соҳада хизмат қилаётган вакилларни моддий рағбатлантириш учун йўналтирилади.

Учинчидан, коронавирус пандемиясига қарши курашишда фаол иштирок этиб, ҳаётини хавф остига қўйиб жон-бозлик кўрсатаётган тез тиббий ёрдам бригадаларининг шиқорлари, ҳамширалари, кичик тиббий ходимлари ва ҳайдовчиларга бир марталиқ моддий ёрдам кўрсатиш учун **100 миллиард сўм ажратилди**. Бунинг эвазига **26** минг оиланинг моддий аҳоли яхшиланади.



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг видеоконференц-алоқа шаклида мажлиси бўлиб ўтди. Уни парламент юқори палатаси Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг олтинчи ялли мажлисини 2020 йил 7 август куни чақуриш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган ялли мажлисида бир қатор масалалар кўриб чиқилиши режалаштирилган.

“Таълим тўғрисида”ги, “Аҳоли бандлиги тўғрисида”-

ги, “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг харбий хизматни ўқат тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги, “Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари муҳокама қилиниши назарда тутилган.

Бундан ташқари, “Қонун ижодкорлиги ҳамда парламент назорати жараёнлари янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги, “Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари муҳокама қилиниши назарда тутилган.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИ ВА ХУДУДИНИНГ СЕЙСМИК ХАВФСИЗЛИгини ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Сейсмология, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини ва сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасини жаҳон стандартлари асосида ривожлантириш мақсадида ҳамда 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" да амалга оширишга оид Давлат дастурига мувофиқ.

1. Ўзбекистон Республикасида сейсмик хавфсизликни таъминлаш тизимини такомиллаштириш дастури (кейинги ўринларда — Дастур) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Куйидагилар сейсмик хавфсизликни таъминлашнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

- аҳолининг сейсмик хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;
сейсмик хавф даражасини камайтириш чораларини қўриш;

фойдаланишда бўлган ва фойдаланишга топширилмаган бино ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини назорат қилиш;

республика ҳудудида жойлашган сув омборлари ва гидротехника иншоотларининг сейсмик мустаҳкамлигини назорат қилиш;
сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш;

сейсмик хавфсизлик ва мустаҳкамликни таъминлашнинг замонавий услуб ва техник воситаларини амалиётга жорий этиш;

сейсмик хавфсизлик ва мустаҳкамликни таъминлашнинг илмий асосларини таҳлил қилиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 августдаги ПҚ-3190-сон қарори билан тасдиқланган Сейсмология, сейсмик чидамли қурилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлиги бўйича идоралараро илмий-техник кенгаши (кейинги ўринларда — Кенгаш) Дастурда белгиланган чора-тадбирларнинг сифатли ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш вазифаси юклансин.

3. Куйидагилар сейсмология, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини ва сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасида:

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси — сейсмик хавфни турли микёсда баҳолаш, ҳудудларни сейсмик районлаштириш, зилзилаларни мuddатлар кесимида прогноз қилиш методологиясини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш, турли сейсмик хавфнинг инженер-геологик асосларини ва баҳолаш технологияларини яратиш учун масъул бўлган давлат илмий муассасаси;

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги — республика ҳудудида қурилаётган объектлардаги лойиҳалар ва қурилиш сифатини сейсмик хавфсизлик бўйича меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини баҳолаш ва назорат қилиш, шаҳарлардаги мавжуд биналарнинг сейсмик мустаҳкамлигини таъминлаш, иншоотларнинг сейсмик хавфини камайтириш бўйича зарур тадбирлар ишлаб чиқиш учун масъул бўлган давлат бошқаруви органи;

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги — республика ва трансчегаравий ҳудудларда, шунингдек, табиий ва техноген хавфли ҳудудларда ҳамда муҳим объектларда сейсмик хавфсизлик бўйича мониторингни ташкил этиш, кучли ва талафотли зилзилалар содир бўлиши хавфи мавжуд бўлганда уларнинг оқибатларини бартараф этиш учун зарур чораларни қўришга масъул бўлган давлат бошқаруви органи этиб белгилансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи тузилмасининг ИТ-технологиялар, телекоммуникациялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари департаменти таркибига қўшимча 3 та штат бирлигини ажратган ҳолда Сейсмология, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини ва сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасини мувофиқлаштириш шўбаси (кейинги ўринларда — Мувофиқлаштириш шўбаси) ташкил этилсин.

Куйидагилар Мувофиқлаштириш шўбасининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги масъул органлар ва ташкилотлар фаолиятини доимий мувофиқлаштириб бориш;

сейсмология соҳасида илм-фанни ривожлантириш, замонавий ахборот, шу жумладан, инновацион технологияларни кенг жорий этиш;

сейсмик хавфни прогнозлаш жараёнини рақамлаштириш чораларини қўриш;

республикада сейсмик хавф даражасини камайтириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларни доимий равишда мониторинг қилиб бориш;

аҳолининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш юзасидан

давлат дастурлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилишини ташкил этиш;

фойдаланишда бўлган бино ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини таъминлаш юзасидан тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда чоралар қўриш;

республиканинг сейсмик фаол ҳудудида жойлашган иншоотларнинг мониторинги натижаларига асосланиб, мустаҳкамлигини таъминлаш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш.

5. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Қурилиш вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида юридик шахс тузмаган ҳолда Сейсмология, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини ва сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармасини (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил этиш тўғрисидаги тақлифга розилик берилсин.

Куйидагилар:

а) Жамғарма маблағларини шакллантиришнинг асосий манбалари этиб белгилансин:

республика бюджетидан амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурлари учун ажратилган грант маблағлари ҳисобидан жорий йилда 20 миллиард сўмгача бўлган маблағлар, келгуси йилларда эса эҳтиёжга қараб, Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоб-китобларига асосан ажратиладиган маблағлар;

хорижий (халқаро) молия институтлари ва бошқа хорижий донорларнинг техник кўмак маблағлари ва грантлари;
Жамғарманинг бўш маблағларини тижорат банкларининг депозитларига жойлаштиришдан олинадиган даромадлар ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар;

б) сейсмология, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини ва сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасида Жамғарма маблағлари сарфланадиган йўналишлар этиб белгилансин:

илмий тадқиқотларга кўмаклашиш, тадқиқот ишларини қўллаб-қувватлаш учун грантлар ажратиш;

кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш дастурларини амалга ошириш, шунингдек, конференциялар, семинарлар ва бошқа тадбирларни, шу жумладан, хорижий мамлакатларда ташкил қилиш ва уларда иштирок этиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш;

илмий лабораторияларни зарур асбоб-ускуналар, ҳисоблаш техника воситалари ҳамда бутловчи материаллар билан таъминлаш ва уларни ўрнатиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш;

республика аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш соҳасига рақамлаштирилган технологияларни жорий этиш, сейсмик чидамли қурилиш бўйича миллий дастурларни ишлаб чиқиш билан боғлиқ бўлган харажатларни молиялаштириш;

сейсмология, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини ва сейсмик хавфсизликни таъминлаш учун масъул давлат органлари ва ташкилотларнинг соҳага оид фаолият йўналиши бўйича моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

республиканинг сейсмик фаол ҳудудида жойлашган мавжуд бино ва иншоотларнинг электрон техник паспортларини шакллантириш жараёни билан боғлиқ бўлган харажатларни молиялаштириш;

юқсак илмий натижаларга эришган ва фан ривожига муносиб хисса қўшган олимларни, шу жумладан, ёш илмий ходимларни қўллаб-қувватлаш.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Жамғарма маблағларини тасарруф этувчиси ҳисобланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Қурилиш вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг:

Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетини (кейинги ўринларда — Турин политехника университети) "Муҳандислик сейсмологияси" таълим йўналиши ва мутахассислиги, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети "Сейсмология ва сейсмометрия" таълим йўналиши ва мутахассислиги бўйича кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш юзасидан базавий олий таълим муассасалари этиб белгилансин;

мазкур таълим муассасаларида 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб тегишлилигига қараб "Муҳандислик сейсмологияси" ва "Сейсмология ва сейсмометрия" таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича бакалаврият ҳамда магистратура босқичларида ўқув жараёنларини йўлга қўйиш ҳақидаги тақлифлари маъқуллансин.

7. Турин политехника университети қошида Бино ва иншоотларни экспериментал тадқиқ қилиш илмий-техник лабораторияси (кейинги ўринларда — Лаборатория)

ташкил этилсин ва Лаборатория томонидан ўтказиладиган тадқиқот синовларининг асосий йўналишлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилар кўйилсинки:

Лаборатория Турин политехника университетининг Технопарк биносида ташкил этилади;

Лабораторияни ташкил этиш ва айрим асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш бўйича ишлар Жамғарма маблағлари, халқаро молия институтлари ва ташкилотларнинг техник кўмак маблағлари (грантлари) ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалардан молиялаштирилади;

Лаборатория штат бирликлари Турин политехника университетининг профессор-ўқитувчилари, докторантура изланувчилари ҳамда "Қурилиш материаллари ва конструкциялари" лабораторияси ходимларини мақбуллаштириш ҳисобидан жамланади;

бино ва иншоотларнинг сейсмик чидамли қурилиш бўйича тадқиқотлар олиб бориш, сейсмик хавфни баҳолаш ва камайтириш учун масъул давлат илмий-тадқиқот муассасалари Лабораториядан беғараз фойдаланадилар.

8. Белгилансинки:

а) куйидагилар:

2021 йил 1 апрелдан бошлаб республиканинг сейсмик фаол ҳудудида жойлашган мавжуд бино ва иншоотлар, шунингдек, қўп қаватли тураржойларнинг сейсмик заифлигини баҳолаш учун зарур бўлган маълумотларни назарда тутувчи электрон техник паспортларни шакллантириш;

2021 йил 1 майдан бошлаб янги қурилиш режалаштирилаётган қўп қаватли бино ва иншоотларнинг конструктив тизими, қурилиш майдонининг сейсмик даражаси, юк кўтарувчи конструкциялар материалларининг мустаҳкамлик кўрсаткичларини назарда тутувчи электрон техник паспортларни шакллантириш амалиёти йўлга қўйилди;

б) Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Фанлар академияси билан биргаликда мазкур амалиёт жорий этилиши учун масъул бўлган ташкилотлар ҳисобланади;

в) шакллантирилган электрон техник паспортлардан сейсмик хавф прогнози мавжуд бўлган ҳолларда биналар ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини ўрганиш, содир бўлиши қўтилаётган зилзилага тайёргарлик қўриш ва унинг оқибатларини бартараф этиш мақсадида фойдаланилади.

9. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва Қурилиш вазирлиги Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан биргаликда:

а) 2020 йил 1 декабрга қадар бино ва иншоотларни электрон техник паспортлаштириш услубиётини ишлаб чиқиш;

б) 2021 йил 1 декабрга қадар: минтақавий даражадаги сейсмик хавфни баҳолашнинг илмий-услубий асосларини, шунингдек, Ўзбекистон ҳудудининг майда масштабли сейсмик риск харитасини ишлаб чиқиш;

кучли зилзилаларни ўз вақтида прогноз қилиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш ҳамда тегишли профилактик чора-тадбирларни самарали амалга ошириш мақсадида майда масштабли сейсмик риск харита базасида дастурий таъминотни яратиш ва аҳоли ҳаёдрдорлигини доимий таъминлаб бориш.

10. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги:

а) Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2021 йил 1 январга қадар Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Сейсмопрогностик мониторинг республика марказининг сейсмик ва комплекс прогности станциялари билан прогноз маълумотлар алмашинуви жараёнига автоматлаштирилган тизимни жорий этсин;

б) Фанлар академияси ва Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда 2020 йил якунига қадар Марказий Осмё ҳудудида сейсмик хавф-хатарни прогноз қилиш масаласи юзасидан қўшни давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин;

в) Фанлар академияси ва Қурилиш вазирлиги билан биргаликда:

2021 йил 1 апрелга қадар фуқаролар учун зилзила вақтида тегишли ҳаракат ва тадбирларни амалга ошириш бўйича услубий қўлланмани;

маҳаллий хом ашёдан хусусий уйлари (индивидуал биналарни) қуришда элементар сейсмик мустаҳкамлик чораларини қўриш бўйича услубий қўлланмани ишлаб чиқсин ва аҳоли ўртасида кенг тарғибот тадбирларини амалга оширсин;

г) Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини

ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2021 йил 1 апрелга қадар:

аҳолига содир бўлган зилзила бўйича тўлиқ маълумотлар етказилишини таъминловчи мобиль иловани яратсин;

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Сейсмопрогностик мониторинг республика марказининг расмий веб-сайти, маълумотлар базаси ва мобиль илова ўртасида тезкор маълумотлар алмашинуви интеграциясини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Сув ҳўжалиги вазирлиги, Энергетика вазирлиги ва Қурилиш вазирлиги билан биргаликда:

2020 йил 1 мартга қадар 2030 йилгача бўлган мuddатда гидротехника иншоотларининг сейсмик мустаҳкамлик ҳолатини баҳолаш экспресс услубиёти ишлаб чиқсин;

2021 йил 1 июнга қадар сув омборлари ва гидротехника иншоотларининг сейсмик заифлигини баҳолаш паспортларини шакллантирсин ва уларнинг аниқланган сейсмик заифлигини бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ҳамда муҳокама қилиш ва тасдиқлаш учун Кенгашга киритсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси:

а) Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Қурилиш вазирлиги билан биргаликда:

2020 йил 1 декабрга қадар соҳадаги малакали мутахассис ва олимларни жалб қилган ҳолда "Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини;

2021 йил 1 мартга қадар 2030 йилгача бўлган мuddатда Сейсмология, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини ва сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

б) Инновацион ривожланиш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда "Эл-ўртумди" жамғармаси билан биргаликда икки ой мuddатда сейсмология, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини ва сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасига халқаро ташкилотлар грантларини жалб қилиш, шунингдек, соҳа мутахассислари учун хорижий мамлакатларда ўқиш, стажировка ўташ ва малака оширишни ташкил этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

а) бир ой мuddатда:

Жамғарма фаолиятини ташкил этиш;
республиканинг сейсмик фаол ҳудудида жойлашган сув омборларида инструментал сейсмологик кузатувларини доимий амалга ошириш тизимини яратишни ҳамда бунга масъул ташкилотларни зарур асбоб-ускуналар билан таъминлашни назарда тутувчи Ҳўкумат қарорларини қабул қилсин;

б) икки ой мuddатда:

Лаборатория фаолиятини тўлиқ ташкил этиш учун зарур бўлган айрим асбоб-ускуналар билан;

Фанлар академияси М. Т. Уразбаев номидаги Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институтини бино билан таъминлаш чораларини қўрсин;

в) уч ой мuddатда Ўзбекистон Республикасининг янги тахирдаги "Гидротехника иншоотларнинг хавфсизлиги тўғрисида"ги қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қўнунчилик палатасига киритсин.

14. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳўкимликлари мазкур қарор ва Дастурда белгиланган вазифаларни ҳудудлар кесимида сифатли ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш мақсадида масъул ижроичиларга қўшимча кўмаклашсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 3-иловага мувофиқ ўзгариштирилган киритилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Фанлар академияси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Қурилиш вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой мuddатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгаришлар ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

17. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В. В. Махмудов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А. А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2020 йил 30 июль

МУҲТОЖ ОИЛАЛАРГА МОДДИЙ ЁРДАМ ПУЛИ БЕРИЛАДИ, НАФАҚАЛАР МИҚДОРИ 10 ФОИЗГА ОШИРИЛАДИ

Ўқоридаги чоралар ҳисобига Ўзбекистондаги 652 минг оилага моддий ёрдам кўрсатилади.

Бундан ташқари, қабул қилинган Фармонда пандемия даврида ижтимоий нафақа олувчилар сонини кескин ошириш кўзда тутилмоқда. Жумладан:

икки ёшгача бўлган бола парвариши бўйича нафақа олувчи эҳтиёжманд оналар сони ҳар ойда 14-15 мингтага оширилиб, декабрь ойида 400 мингтага етказилади ёки йил бошига нисбатан қарий 1,5 баробар кўпайтирилади;

14 ёшгача болалари бўлган нафақа олувчи оилалар сонини йил бошига нисбатан 2,5 баробардан ортққча ошириб, уларнинг сони декабрь ойида 700 мингга етказилади; кам таъминланган оилаларга бериладиган моддий ёрдам олувчилар сони йил бошига нисбатан 1,5 баробар оширилиб, 100 мингтага етказилади.

Умуман олганда, ижтимоий нафақа олувчиларнинг умумий сони 600 мингга кўпайиб, жорий йилнинг декабрь ойида

1,2 миллионга (мамлакатдаги жами оилаларнинг қарий 14,1 фоизи) етказилиши кўзда тутилмоқда ва бунга бюджетдан қўшимча 426 миллиард сўм ажратилади.

Ўзбекистонда камбағал оилаларнинг умумий сони республикадаги жами оилаларнинг 12 — 15 фоизини ташкил этишини инобатга олсак, ижтимоий нафақа механизми билан йил охирига бориб мамлакатдаги барча камбағал оилаларнинг ҳар бир қатлами тўлиқ қамраб олинади.

Бунга юқорида айтиб ўтилган бир мартикал моддий ёрдам олувчи оилалар сонини кўшсак, давлатдан молиявий кўмак оладиган оилаларнинг сони сезиларли даражада кўпаяди.

Фармонда, шунингдек, кекса ёшдаги ҳамда ногиронлиги бор шахсларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида 2020 йил 1 сентябрдан бошлаб пенсиялар, болаликдан ногиронлиги бўлган шахсларга, зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақалар миқдори 10 фоизга оширилиши кўзда тутилмоқда.

Бу эса жорий йил январь —

июль ойларидаги инфляция кўрсаткичларидан 4,3 фоиз юқоридир.

Бу 2,8 миллион кекса ёшдаги фуқароларни, 687 миң нафар ногиронлиги бўлган шахсларни, 210 миңдан ортққ бокувчисини йўқотган шахсларни пандемия даврида моддий қўллаб-қувватлаш имконини беради.

Бунда ўртacha пенсия миқдори 764 миң сўмдан 841 миң сўмгача ошади. Болаликдан ногиронлиги бўлган шахсларга бериладиган нафақа миқдори амалдаги 466 680 сўмдан 513 350 сўмгача кўпаяди.

Шунингдек, пенсия тайинлаш учун зарур иш стажига (7 йил) эга бўлмаган, ҳаёти давомида Пенсия жамғармасига умуман бадал тўламаган 37,5 миң нафар кекса фуқарога берилмаган нафақа ойига 315 030 сўмгача оширилади. Фармонда кўзда тутилган аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларига 2020 йилнинг охиригача бюджетдан жами қўшимча 2,5 триллион сўм йўналтирилиши кўзда тутилмоқда.

Ў.А.

«СИЗГА ИШОНАМИЗ, ДОКТОР!»

— "Табиб табиб эмас, бошидан ўтказган табиб", дейишгани бежиз эмас. Бундан бир неча ҳафта муқаддам тобим қочди. Кучли бош оғриги, ҳолсизлик, йўтал безовта қила бошлагач, туман тиббиёт бирлашмасининг юқумли касалликлар бўлимига мурожаат қилдим, — дейди Қоровулбозор туманида яшовчи муаллима Рўзигул Аҳадова. — Шифокор тавсиясига қўра, уйда даволана бошладим. Аммо вақт ўтган сайн касаллик аломатлари кучайди. Мени дарҳол реанимация бўлимига ётқизишди.

Замон қаҳрамони

Бундай пайтда ҳар қандай киши саросимага тушиши, ваҳимага берилиши тайин. Ахир Рўзигулнинг икки норасида фарзанди бор. Ҳаётдан умидлари кўп. Ана шундай чигал паллада шифокорларнинг "Умидсизлик" касалигидан. Енингдаша мана биз бор", дейишлари беморга куч бағишлади. Вақтида берил-

кўп. Ана шундай чигал паллада шифокорларнинг "Умидсизлик" касалигидан. Енингдаша мана биз бор", дейишлари беморга куч бағишлади. Вақтида берил-

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

Шу билан бирга, "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" Давлат дастурининг 2020 йил биринчи ярим йиллик ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи, қолаверса, ички ишлар вазири, ташқи ишлар вазири ҳамда бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг ахборотлари кўриб чиқилиши режалаштирилган. Шунингдек, Россия Федерациясида вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш чора-тадбирлари юзасидан, мамлакатда аҳоли, айниқса, ёшларни ҳимоянинг

тарбия ва спортга кенг жалб этишда юзага келаятган муаммолар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига ҳамда қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, гайринисоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш каби жиноятлар содир этилиши ҳолати тўғрисида Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Давлат ҳавфсизлик хизматида парламент сўровлари юбориш масаласи ҳам муҳокама қилиниши назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ОДИЛ СУДЛОВ САМАРАДОРЛИГИ ВА ҚОНУНЧИЛИК

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш, фуқаро ҳамда тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш чораларини кучайтириш, одил судлов самарадорлигини таъминлаш ҳамда судьялар ҳамжамияти ролини ошириш бўйича ишлар изчил амалга оширилмоқда.



Олиб борилган тизимли ва кенг қўламли ишлар натижасида одил судлов жараёнида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш даражаси янги босқинга қўтарилди. Бироқ шунга қарамай, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари томонидан шу йилнинг июнь ойида жойларда олиб борилган мулоқотлар давомида суд ишларида ортиқча бюрократиянинг сақланиб қолаётганиги, суд қарорларини қайта қўришда тасдиқорловчи босқичлар мавжудлиги, инвесторлар ҳуқуқларининг суд ҳимоясида бўлиши етарли даражада ташкил этилмаганиги ҳақида бошқа бир қатор камчиликларни соҳа мутахассислари ва жамоатчилик вакиллари очиб-қўйиб кўрсатди.

Президентимиз томонидан шу йилнинг 24 июлида имзоланган "Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармон айнан мана шундай муаммоларнинг ечимини таъминлашга қаратилган билан аҳамиятликдир. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан видео-конференцлока тарзида ташкил этилган "Одил судлов самарадорлиги ва қонунчилик" мавзудаги семинарда шулар ҳисобидан суд юретилиши, қизғин саволлар ўртага ташланди. Бугунги кунда одил суд-ҳуқуқ соҳасида кўпроқ нимадан норози бўлаётган муҳокамалар марказида бўлди.

Кайд этилганидек, депутатлар томонидан ўтказилган мулоқотлар давомида жойларда аҳоли "маъмурий суд" фуқароларни ҳимоя қилишдан кўра, кўпроқ уларни жазолаш билан шугулланишга қаратилган бўлиши аниқланди. Шунингдек, Фармон билан прокуратура судда иштирок этиши тартиби илгор ҳолати тажриба ҳамда халқаро стандартларга мослаштирилаётганига эътибор қаратилди. Жумладан, давлат айбловисини айбловдан воз кечган тақдирда реабилитация асосларида кўра, жиноят ишини тутатиш, тарафлар мурожаати мавжуд бўлган ҳолдагина прокурор томонидан суддан ишларни қақриб олиш, бошқа шахсларнинг ташаббуси билан қўзғатилган фуқаролик ва иқтисодий ишларнинг қўрилишида прокурор ўз ташаббуси билан қатнашишини истисно этиш назарда тутилмоқда.

Яна бир масала — жойларда одил суднинг турли инстанцияларда ишлар якуний ечимини топмасдан узок муддат давомида сарсон бўлаётганликларини маълум қилган. Депутатларнинг таъкидлашича, йиллар давомида келаятган ушбу муаммо Фармонда ўзининг ижобий ечимини топди. Яъни энди "бир суд — бир инстанция" тамойили жорий этилади. Натижада, ишнинг назорат табиғида қўриш институти беқор қилинади, суднинг тегишли апелляция ва кассация

босқичида эса иш бўйича якуний тўхтама келинади, суд қарорларининг барқарорлиги таъминланади, пировардида одамлар сарсон бўлишининг олди олинади. Семинарда сўнгги йилларда Олий суд томонидан қонун ташаббускорлиги ҳуқуқидан самарали фойдаланилаётганлиги алоҳида қайд этилди. Чунончи, судьянинг муайян ишчи қонуний ва адолатли ҳал этишда таянган "қуроли", бу — қонун. Бироқ семинар иштирокчилари қонун лойиҳаларини Олий суд томонидан парламентга ҳимоя қилиш ҳамда маромига етказишда, афсуски, ўз ечимини қўйиб турган масалалар ҳам борлигини айтиб ўтдилар.

Халқ вакиллари фикрича, қонун ижодкорлиги борасида Олий суд ва парламент яқиндан ҳамкорликда ишлаши талаб этилади. Фармонда Олий суд тузилмасида Суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонунчиликни таҳлил қилиш бошқармасини тузишнинг қўзда тутилганлиги эса суд ҳокимиятининг қонун ижодкорлиги фаолиятида профессионал иштирокини таъминлашга хизмат қилади. Таъдбирда Олий Мажлис Сенати Ешлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Бахтиёр Сайфуллаев Ешлар парламенти аъзоларини самимий қутлаб, турли йўналишларда Батанга сadoқат билан ишлаётган, таълим олаётган, ташаббускор, юксак маънавиятли, мустақил фикрловчи, қатъий ҳаётий нўқтани назарга, кенг дунёқараш ҳамда лидерлик салоҳиятига эга ўғил-қизлар ушбу тузилмадан жой олганини таъкидлади.

— Зиммангиздаги улкан масъулиятни чуқур ҳис қилиб, билдирилган юксак ишончини оқлашнингизга, юртимиздаги миллионлаб ёшларнинг юқори палатадаги муносиб вакили

бўлишингизга ишонаман, — деди Б. Сайфуллаев. — Мамлакатимизда сўнгги йилларда ёшлар нафақат эртанинг бунёдкори, балки бугуннинг ҳам қилувчи кучи сифатида ўзларини намoён этишлари учун кенг имконият яратилди. Ешлар парламенти комиссиялари Президентимиз томонидан илгари сурилган беш муҳим ташаббус асосида йўналишларга ажратилган. Ишонимки, комиссиялар аъзолари ўзлари масъул бўлган йўналишда беш муҳим ташаббуснинг чинакам халқ ҳаракатига айланишига ҳам муносиб хисса қўшадилар. Ешлар парламенти ўғил-қизларимизнинг ўз фикрини баралла айтиши учун юксак минбар бўлишига ишон билдириб, уларнинг ҳар бири ўз ҳудудидagi ёшларга тегишли муаммоларини ўрганиб, сабабларини аниқлаб, ечим юзасидан тақлифлар ишлаб чиқари. Бу борада уларга куч-қувват тилаймиз.

Таъдбирда Ешлар парламенти раиси лавозимига тавсия этилган Мухаммадонусова Моҳистара Мухаммадилхон қизи номзоди кўриб чиқилди ва у бир овоздан маъқуллашди. Мажлисида Ешлар парламенти бошқа масъулларини сайлаш, янги тузилма регламенти ҳамда иш режаси лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва бир қатор ташкилий масалалар кўриб чиқилди.

Олий Мажлис Сенати ЯЛПИ МАЖЛИСДА КЎРИЛАДИГАН МАСАЛАЛАР ДАСТЛАБКИ ТАРЗДА МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Кеча Олий Мажлис Сенати Муҳофа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг видеоконференцлока тарзида мажлиси бўлиб ўтди. Унда дастлаб ички ишлар вазирининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси ҳолати тўғрисида шу йилнинг 6 ойи якуни бўйича ахбороти дастлабки тарзда эшитилди. Мазкур масала парламент юқори палатасининг навбатдаги ялпи мажлисида кўриб чиқилиши назарда тутилган.

Кайд этилганидек, соҳада амалга оширилган тизимли ишлар натижасида умумий жиноятларнинг 20 миң 497 таси ёки 95,2 фоизи фoш этилган. Тергов органлари қидирувида бўлган 1 051 нафар шахс ушланган, 261 нафар бедарак йўқолганлар топилган. Ички ишлар органлари ташаббуси билан 4 158 та жиноят аниқланган. Юртимиздаги жами 9 145 та маҳалларнинг 66,3 фоизда ёки 6 миң 61 тасида жиноят содир этилишига йўл қўйилмаган. Шунингдек, мажлисида ўтказилган ўрганишлар ички ишлар органлари фаолиятида муайян камчиликлар, ечимини кўтаётган муаммолар ва тўлиқ фойдаланилмаган имкониятлар мавжудлигини кўрсатаётганлиги айтилди. Хусусан, шу йилнинг 6 ойида республика миқёсида 21 миң 535 та жиноят қайд этилган бўлиб, бу 100 миң аҳолига нисбатан ўртача 63,3 тадан тўғри келади. Оилалардаги нотинчлик, низо-ларнинг ўз вақтида ҳал этилмаслиги маҳалла фаоллари ва кенг жамоатчиликнинг эътиборидан четда қолганлиги оқибатда ўта оғир жиноятлар содир қилинмоқда. Жумладан, 2020 йилнинг 6 ойи давомида қайд этилган қўстлик жиноятларнинг ҳар учинчиси, оғир тан жароҳати етказиш жиноятларнинг 76 таси оила-турмуш муносабатлари доирасида содир қилинган. Шу билан бирга, оилавий низолағра ўз вақтида барҳам берилмаганлиги оқибатида

5 940 та оила-турмуш муносабатлари доирасидаги ҳуқуқбузарлик содир этилган. Хусусан, оила-турмуш доирасида таъзия қилган хотин-қизларнинг 2 776 нафарига "ҳимоя ордери" берилган.

Ешлар билан ишлашда хануз муаммолар борлиги, уларни барқарор қилишга етарли даражада эътибор қаратилмаганлиги оқибатида жорий йилнинг 6 ойида республикада қайд этилган ҳар тўртинчи жиноят ёшлар томонидан содир қилинган.

Мажлисида "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизмати ўташ тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун ҳам дастлабки тарзда муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, мазкур қонун Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизмати ўташ тартиби тўғрисидаги низоимни тасдиқлаш ҳақида"ги ҳамда "Ўзбекистон Республикаси олий

таълим муассасаларининг ҳарбий тайёрларлик ўқув бўлимларида резерв ва захира офицерларини тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Қонуннинг қабул қилиниши Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан ҳарбий хизматни ўташ билан боғлиқ йўналишдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва ягона қўри-нишга келтириш, соҳада қўри-ниладиган тушуна, атама ҳамда номланганларнинг бир хил таққин этилиши имконини беради.

Бундан ташқари, "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Қучлари резервидаги хизмат тўғрисида"ги қонунларнинг бир қатор моддаларини қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлаштиришга замин яратди.

Кун тартибидagi навбатдаги масала — "Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши тўғрисида"ги қонун сенаторлар ва маҳаллий

Кенгаш депутатлари иштирокида муҳокама қилинди. Қайд этилганидек, қонун Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши муносабатлари тартибга солишга хизмат қилиши билан аҳамиятликдир.

Мажлисида ушбу қонун амалда "Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида"ги Қонундан бир қатор асосий қоидаларнинг мавжудлиги билан ахрალიб туришига уруғ берилди.

Жумладан, ҳудудий тузилиш масалалари бўйича қарор қабул қилишда давлат органларининг ваколатлари ва вазифалари аниқ белгилан қўйилмоқда.

Мажлисида сенаторлар ва депутатлар томонидан бу қонун Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиш масалалари билан боғлиқ муносабатларни тўғридан-тўғри амал қилувчи нормалар орқали қонуний тартибга солишда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

«Халқ сўзи».

ЁШЛАР ПАРЛАМЕНТИНИНГ БИРИНЧИ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ҳузуридаги Ёшлар парламенти видеоконференцлока тарзида биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда ташкилий масалалар кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" да амалга оширишга оид Давлат дастурининг ижросини таъминлаш мақсадида Сенат ҳузурида Ёшлар парламенти ташкил этилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Ҳўқорли Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари, Сенатнинг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги тавсиялари қўмитаси Сенат Кенгаши томонидан Ёшлар парламенти аъзолари тасдиқланди.

Таъдбирда Олий Мажлис Сенати Ешлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Бахтиёр Сайфуллаев Ёшлар парламенти аъзоларини самимий қутлаб, турли йўналишларда Батанга сadoқат билан ишлаётган, таълим олаётган, ташаббускор, юксак маънавиятли, мустақил фикрловчи, қатъий ҳаётий нўқтани назарга, кенг дунёқараш ҳамда лидерлик салоҳиятига эга ўғил-қизлар ушбу тузилмадан жой олганини таъкидлади.

— Зиммангиздаги улкан масъулиятни чуқур ҳис қилиб, билдирилган юксак ишончини оқлашнингизга, юртимиздаги миллионлаб ёшларнинг юқори палатадаги муносиб вакили

ТАШАББУСКОРЛИК, ФИДОЙИЛИК — ФАОЛИЯТИМИЗ БОШ МЕЗОНИ

Ҳар бир депутат фаолиятида ташаббускорлик, фидойилик, ўз иштирокида долзарблик ҳисси билан ёндашиш муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, халқимиз ишончини оқлаш, уларнинг ҳаётига ижобий таъсир кўрсатадиган қонунларни қабул қилиш зиммаларидаги вазифа бўлиб, уни бажаришда масъулият талаб этилади.

Сарҳисоб

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзолари 2020 йилнинг ярим йиллик иш фаолияти давомида ана шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратишди.

Қўмитанинг асосий вазифаси қонун ижодкорлиги бўлиб, ҳисоб-тоҳта даврида 9 та қонун лойиҳаси тайёрланди. Уларнинг аксарияти қўйи палатада қабул қилиниб, Олий Мажлис Сенатига юборилди. Айни пайтда "Маданият тўғрисида"ги қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасининг айл йилгилигида иккинчи ўқишда кўриб чиқиш учун тайёрланмоқда. Вазирлар Маҳкамаси томонидан қиртилган "Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ҳамда "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаларини ялпи мажлисида биринчи ўқишга киритиш режалаштирилган.

Қўмита қўйи палатада Ўзбекистонда таълим-тарбия соҳасидаги Ҳўкумат қарорларининг бажарилишини таъминлаш, давлат дастурлари ижросининг боришини назорат қилишда соҳа мутахассисларининг ҳисоботини айтиш ташкил этиш учун масъул ҳисобланади. "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" Давлат дастури

белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, қўмита томонидан 9 та назорат-таҳлил тадбири ўтказилди. Шулардан бири бевосита таълим соҳасига бағишланди. Хусусан, халқ таълими вазири ўринбосарининг "Халқ таълими вазирилик тизимида 2018-2019 йилларда бюджетдан ажратилган маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги ҳамда 2020 йилги ҳаражатларни мақбуллаштириш имконини аниқлаш бўйича" ахбороти видеоконференцлока тарзида тингланди.

Қўмита аъзоларидан 8 нафари Қонунчилик палатасида тузилган ишчи гуруҳида аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, тадбиркорларнинг муаммоларини ҳал этиш борасида Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарь, Навоий, Самарқанд, Бухоро вилоятларида амалга оширилган ишларнинг ҳолатини ўрганиш бўйича хизмат сафарларида бўлди.

Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги борасидаги билим ва қўник-маларини ошириш, Ҳўкумат қарорларининг мазмун-моҳиятини тушунириш мақсадида оммавий ахборот воситалари орқали 624 марта чиқиб кетилди.

Мурожаатлар билан ишлаш, аҳолини қўйибаган муаммоларнинг ижобий ечимига эришиш диққат-эътиборимиздаги масалалардан саналди. Утган даврда қўмитага 300 дан зиёд мурожа-

атлар келиб тушди. Мурожаатларда кўтарилган масалаларнинг соҳалар кесимидаги таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, уларнинг 78 таси маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятига оид, 72 таси қонунчилик ва суд-ҳуқуқ, 112 таси иқтисодий, 11 таси молия, 33 таси бошқа соҳаларга тааллуқлидир.

Шунингдек, аҳолидан келиб тушган тақлифлар таҳлил қилинганда, фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти юксалётгани, қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши жараёнидаги долзарблик ҳисси ортаётгани, амалдаги қонунчиликнинг такомиллаштириш юзасидан фуқаролик позицияси шаклланиб бораётганлиги яқоқ сезилмоқда.

Бундан ташқари, ўтган даврда қўмита аъзолари томонидан сайлов округларида 261 нафар жисмоний ва юридик шахслар вакиллари қабули ташкил қилинди. Уларда турли соҳалар бўйича 200 дан зиёд масалалар кўтарилди. Ушбу масала ҳамда муаммолардан 114 тасига ечим топилди, 89 таси ваколат доирасида кўриб чиқилиши учун тегишли давлат органларига юборилди ва маълумот асосида тушунтириш берилди.

Умуман айтганда, қўмитамиз томонидан ўтган олти ой давомида муайян ишлар қилинди, аммо бажарилиши лозим бўлган вазифаларимиз янада кўп. Ана шундай долзарблик билан галдаги ишларни бажариш, сайловчилар ишончини оқлаш, инсон манфаатларини қароғлаш, ун тарфақитишни юксалтиришга хизмат қиладиган қонунларни қабул қилиш асосий мақсадимиздир.

Эркин ЗОҲИДОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси.

Парламент дипломатияси: ИНСОН ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИНГ МУСТАҲКАМ КАФОЛАТИ

Ҳаракатлар стратегияси доирасида мамлакатимизда кейинги йилларда амалга оширилаётган кенг қўламли ишловлар "Инсон манфаати ҳамма нарсадан устун" деган ғояни рўёбга чиқаришга қаратилган бўлиб, давлатимиз томонидан бу борада бажарилган қатор ишлар мамлакатнинг халқро микёсда обрўйини юксалтиришга катта туртки бермоқда.

Нўқтани назар

Шуни таъкидлаш жоизки, Ҳаракатлар стратегияси қабул қилинган даврга қадар Ўзбекистоннинг парламентлари муносабатлари, хусусан, халқро ташкилотлар билан ўзаро мулоқотлари "музлатиб" қўйилган эди. Айнан шунинг учун ҳам замон шиддат билан ўзгараётган бир пайтда, биз ушбу "муз"ни эрийтиб, тараққий этган давлатлар билан тенглик асосида сиёсий ва иқтисодий муносабатларга киришиб, биринчи навбатда, ҳорижий парламентар билан парламент дипломатияси доирасида яқин муносабатларни ўрнатишга киридик.

Шу боис Президентимиз жорий йил январь ойида Қонунчилик палатасининг биринчи йилгилигида Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари лавозимини таъсис этиш тўғрисида ташаббус билан чиқиб, унинг вазифаларини белгилан берди. Айнан шу вақтдан бошлаб, Қонунчилик палатасининг фаолиятида туб ўзгаришлар юз берди.

Халқро ҳамкорлик ривожини ва истиқболни

Маълумки, давлатнинг ривожланганлик даражаси халқро микёсда унинг эгаллаб турган ўрни билан белгиланади. Ҳар қандай давлат ўз халқининг фаровон яшашини учун муносиб шароитларни яратмоқчи экан, у энг аввало, халқро нуфузини оширишга интилиши лозим.

Ўзбекистон айнан шу йўналишда ўз фаолиятини кучайтириб, давлатларнинг сиёсий тизимидан қатъи назар, уларни бирлаштирувчи халқро доирадаги парламентарларо ташкилотлар билан алоқаларини ривожлантириб бормоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси парламент дипломатиясини ўн йўналишда, яъни икки томонлама, минтақавий ҳамда глобал микёсда амалга оширмоқда.

Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишда парламентнинг роли

Ўзбекистон парламенти БМТнинг инсон-парварлик руҳида қабул қилинган барча ташаббусини ҳамда бу йўналишда ишлаб чиқилган дастурларни ҳар доим қўллаб-қув-

ватлаб келган ва уларнинг ижросини таъминлашда фаол қатнашган.

Ўзбекистон Президенти Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг биринчи йилгилигида Қонунчилик палатаси бундан бунён Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадларини бажариш бўйича вазирлар ҳисоботларини эшитишнинг йўлга қўйиши лозимлиги тўғрисида ташаббус билан чиққан эди.

Маълумки, БМТнинг 2030 йилга қадар Барқарор ривожланиш мақсадлари дастури қабул қилинган. Ушбу дастурда кўтарилган иқтисодий, иқтисодий ҳамда экологик масалалар давлатимиз ривожини учун катта аҳамиятга эга бўлганлиги сабабли, Олий Мажлис палаталарининг қўшма қарорлари билан Ўзбекистон Республикасини барқарор ривожлантириш соҳасидаги Миллий мақсадлар ва вазифаларнинг 2030 йилгача бўлган даврда амалга оширилишини назорат қилиш бўйича шу йилнинг февраль ойида Парламент комиссияси ҳам тузилган.

Олий Мажлис тарихида биринчи марта халқро ташкилотлар вакиллари иштирокида бўлиб ўтган ушбу комиссиянинг йилгилигида қатнашган халқро ташкилотлар вакиллари Барқарор ривожланиш мақсадларини бажариш юзасидан тузилган ушбу комиссия ва унинг иш режасига юқори баҳо бериб, бу борада мамлакатимиз бошқа давлатлар учун ўрнак бўлаётганини алоҳида таъкидлади. Жорий йилнинг олти ойи давомида Қонунчилик палатасининг бир қатор қўмиталари томонидан ҳам парламент назорати доирасида БРМ Миллий мақсадлар ва вазифаларнинг ижроси юзасидан тегишли давлат бошқаруви органларининг ҳисоботлари эшитилиб, якуни бўйича қўмиталарнинг қарорлари қабул қилинди.

Ўзбекистоннинг дунёда тинчлик ҳамда давлатларро тутувчилиги таъминлаш борасидаги ташаббуслари халқро жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланаётганлигини алоҳида қайд этди.

Халқро мажбуриятларни бажариш ҳолати қандай?

Ўзбекистон ҳўкумати инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида мунтазам равишда халқро ташкилотларга ўз ҳисоботини тақдим этмоқда. Зеро, бу ташкилотларнинг фикр ҳамда хулосалари ўта муҳим бўлиб, Ўзбекистоннинг халқро майдондаги нуфузига катта таъсир кўрсатади.

2020 йилнинг март ойида Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотига "Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида"ги халқро пактининг Ўзбекистон ҳўкумати томонидан бажарилиши юзасидан Бешинчи даврий ҳисоботини тақдим этган эди. Ушбу ҳисоботнинг якуни бўйича Қонунчилик палатасида видеоконференция шаклида парламент эшитиш бўлиб ўтди.

Мазкур ҳисоботнинг эътиборли жойи шундан иборатки, унда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси томонидан Ўзбекистон ҳўкумати Бешинчи даврий ҳисоботида аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, гендер тенглик соҳасида қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш, оналик ҳамда болаликни ҳимоя қилиш, оила институтини мустаҳкамлаш йўналишлари ва Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг олдинги тавсиялари ижроси таъминланганлиги эътироф этилган. Бундай ижобий хулоса Ўзбекистон учун жуда муҳим ҳисобланади. Чунки бошқа давлатлар мамлакатимиз билан ҳамкорлик қилмоқчи экан, улар биринчи ўринда инсон ҳамда унинг ҳуқуқлари қандай таъминланаётганлигини ўрганиб, бу борада халқро ташкилотларнинг тавсиялари ҳам инобатга олинади.

Инсон ҳуқуқлари соҳасида мавжуд меҳанизмларни янада такомиллаштириш, унинг самарали мониторингини юритиш, давлат

органлари ва фуқаролик жамяти институтиларининг фаолиятини ўзаро мувофиқлаштириб бориш, пировард натижада давлатнинг халқро майдондаги нуфузини юксалтиришга тўғридан-тўғ

ИЛМ-ФАН ИМКОНИЯТЛАРИ

Улардан қанчалик фойдаланянимиз?

“Илм йўқ жойда қоқоқлик, жаҳолат ва албатта, тўғри йўлдан адашиш бўлади”. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиса Мурожаатномасидан келтирилган ушбу жумлардан давлатимиз раҳбарининг илм-фанни ривожлантириш, унинг натижаларидан мамлакат иқтисодий қудратини юксалтиришда самарали фойдаланиш, илмий тадқиқот фаолияти билан шуғулланувчилар учун муносиб шароитларни яратиш борасида қанчалик жон куйдираётганлигидан далолат. Зеро, илмсиз бирор-бир тараққиёт ҳақида сўз юритиш мумкин эмас.

Дарҳақиқат, илм-фанни ривожлантириш, унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича кейинги йилларда салмоқли ишлар амалга оширилди. Хусусан, “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши соҳанинг янада раванқ топишида, фан ҳамда ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграциянинг тобора кенгайиб боришига хизмат қилмоқда. Айниқса, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан илмий даражага эга ходимларнинг лавозим маошига ҳар ойлик ва бир марталик қўшимча ҳақ тўланишининг жорий этилиши педагог-ҳодимлар ҳамда тадқиқотчилар томонидан илмий фаолият билан шуғулланишга қизиқишининг ошишига катта туртки берди. Шунингдек, 2020 йилнинг “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб номланиши ҳам олий таълим муассасаларида илмий фаолиятни раванқ топтириш борасидаги муҳим режаларни амалга оширишга ундади.

Ишланмалар — амалиётда

Бинобарин, илмий фаолиятни ривожлантириш орқали миллий иқтисодиёт рақобатдошлиги ҳамда самардорлигига эришиш мумкин. Бунда ишлаб чиқариш объектлари билан кооперация алоқаларини йўлга қўйиш асосида илмий фаолият натижаларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш муҳим масалалардан.

Институт профессор-ўқитувчилари томонидан яратилган илмий ишланмаларни тижоратлаштириш ва илмий ишланмаларни мунтазам равишда ишлаб чиқаришга жорий этиб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур масала бўйича институтда алоҳида чора-тадбирлар режаси белгиланган.

Унга кўра, 2020 йилда 10 та илмий махсулот яратиш ва илмий инновацион ишланмаларни тижоратлаштиришдан институт ҳисоб рақамига 1489,0 миллион сўм маблағ тўшириш белгиланган. Ҳуқуқ даргоҳимизда амалга оширилган илмий инновацион ишланмалар сони ди-намикаси 2019 йилда 31 та, жорий йилнинг шу даврига қадар 12 та иш-



лантиришда мавжуд муаммоларни ҳал этишга қаратилган маҳаллий ҳамда халқаро даражада илмий грантлар, лойиҳалар овозасидан танловлар сони ортиб бормоқда. Мазкур илмий грантлар, лойиҳалар танловлари муаммонинг илмий ечимини топишнинг молиявий таъминотини ҳал этишда катта имконият яратди. Бу ҳам профессор-ўқитувчилар ва тадқиқотчиларнинг илмий натижаларини намойён қилишига ҳамда уларни рағбатлантиришга шароит ҳозирляпти. Мазкур масала бўйича институтда илмий тадқиқот фаолиятининг асосий кўрсаткичлари режасида шу йил 8 та давлат буюртмаси асосида бажариладиган илмий грантни қўлга киритиш кўзда тутилган. Шу кунга қадар институт томонидан бюджет 2,6 миллиард сўм бўлган 5 та давлат буюртмаси асосида бажариладиган илмий грант қўлга киритилиб, шу тоифадаги бажарилаётган илмий грантлар сони 9 тани ташкил этмоқда.

Маърифат маканида халқаро илмий грантларни қўлга киритиш бўйича ҳам муҳим вазифалар белгиланган. Хусусан, жорий йилда Хорватиянинг Дубровник университети билан ҳамкорликда “Enhancing educational capacities for the digital Era — ENCODE” мавзусидаги халқаро илмий грант тайёрланди ва ушбу лойиҳа Европа Иттифоқининг Эрас-мус-т кенгашига тақдим этилган. Ушбу грант лойиҳасининг асосий мақсади олий таълим салоҳиятининг рақамли трансформациясини амалга оширишдан иборат бўлиб, хорижий ҳамкорлар билан институт профессор-ўқитувчиларининг рақамли иқтисодиёт борасидаги кўникмаларини шакллантириш юзасидан семинар ва ўқув дастурлари йўлга қўйилиши белгиланган. Шунингдек, институтда рақамли иқтисодиёт бўйича кадрлар малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш учун махсус ускуна ҳамда дастурлар билан жиҳозланган хоналар ташкил этилиши кўзда тутилган.

Илмда иқтидорли талабаларни қўллаб-қувватлаш ва уларга етарли шароит яратиш бериш ҳам муҳим ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, институтда мунтазам равишда “Энг яхши илмий мақола” стартап лойиҳалари танловини ўтказиш асосида иқтидорли ёшларни аниқлаш ҳамда уларнинг инновацион гоёларини қўллаб-қувватлаш тизими йўлга қўйилган.

Институтда стартап экотизимни ривожлантириш асосида талабаларнинг инновацион гоёларини қўллаб-қувватлаш ва тижоратлаштириш мақсадида “DIGITAL FINANCE” инкубация ҳамда акселерация маркази ташкил этилди. Марказда инновацион фаолиятда ташаббускор ёшларни аниқлаш, танлаш ва инкубация қилиш, стартап лойиҳалари учун тренинглар ташкил этиш, талабалар ҳамда ёш олимлар томонидан ишлаб чиқарилган илмий махсулотлар ва инновацион гоёларни тижоратлаштириш белгиланган.

Хулоса ўрнида айтганда, тараққиёт бевосита илмнинг ривожига боғлиқ. Масаланинг яна бир жиҳати, бугун олий таълим муассасасида тадбиркорлик, асосан, илмий фаолият ҳисобидан амалга оширилади, деб айтишимиз мумкин. Айниқса, молиявий мустақилликка ўтказилган олий таълим муассасаларида маблағларнинг асосий қисми илмий фаолият ҳисобидан шакллантирилиши белгиланган эътиборга молик. Зотан, жон амалиётида ҳам олий таълим муассасалари молиявий бюджетининг асосий қисми илмий фаолият ҳисобидан шакллантирилиши одатий ҳолга айланган. Бинобарин, бугунги кунда илмий фаолиятни янада ривожлантиришда яратилган имкониятлардан фойдаланиб юқори натижаларга эришимиз, халқаро академик имижини ошириш, кучлилар орасидан жой олишимиз учун олдинда қиладиган ишларимиз ҳам кўп.

Султонали МЕҲМОНОВ,
Тошкент молия институтини ректори вазифасини вақтинча бажарувчи, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

монидан диссертация ҳимоялари сони 2016 йилда бор-йўғи 2 тани ташкил этган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 41 та, 2020 йилнинг жорий ҳолатига кўра эса 20 тага етди. Шунга мос равишда институтда 2016 йил якуни бўйича илмий салоҳият кўрсаткичи 31,1 фоизни ташкил қилган бўлса, 2019 йил якунига

“Профессор-ўқитувчиларнинг илм-фан билан шуғулланишларига муносиб шароит яратиши, уларнинг маҳаллий ва халқаро академик доираларда танилишига кўмаклашиши, педагогларнинг илмий-ижодий қобилиятларини ривожлантириши, илмий тадқиқот натижаларини омалаштириши рағбатлантириш мақсадида институтда “Йилнинг энг яхши илмий-педагог ходими” ҳамда “Йилнинг энг юқори Хирх индекси (h-index) эга бўлган илмий-педагог ходими” танловларини мунтазам равишда ўтказиш йўлга қўйилди. Бу тадбирларнинг натижаси ўлароқ, “Web of Science”, “Scopus” каби халқаро маълумотлар базасида индексация қилинадиган журналларда 2016 йилда институт бўйича бор-йўғи бир мақола чоп этилган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 10 тани ташкил қилган. Жорий йилнинг айни пайтига қадар эса ушбу туркумларда 51 мақола чоп қилинди.

кўра бу кўрсаткич 43,9 фоизни, бугунги кунда эса 44,6 фоизни намойён этмоқда.

Бундан ташқари, институтда ёш педагог-ҳодимлар ва магистратура битирувчиларининг чет эл таълим муассасалари ҳамда илмий марказларида мақсади докторантурада (PhD) тахсил олишлари учун кенг шароитлар яратиш беришга ҳам устувор йўналиш сифатида қаралмоқда. Бу борада мақсади ишлар йўлга қўйилган. Ёш тадқиқотчиларимиз режаси юқори бўлган хорижий олий таълим муассасаларида илмий

ламан яратилганини кўрсатмоқда. Банк муассасалари учун ишлаб чиқилган “Кредитга лаёқатлилик тахлилининг скоринг модели” инновацион дастурий махсулоти тижорат банклари амалиётига жорий этилиб, ижобий самара бермоқда.

Шунингдек, хусусий сектор ташкилотларининг инвестицияларини жалб этиш мақсадида институт қошида “Grant Thornton” аудиторлик компанияси ва Сертификатланган дипломи бухгалтерлар халқаро ассоциацияси (Association of Chartered Certified Accountants — ACCA) билан ҳамкорликда ACCA томонидан аккредитациядан ўтказилган “International institute of finance and accounting” инновацион илмий-ўқув стартап маркази фаолияти йўлга қўйилди.

Мазкур стартап марказида мамлакатимиз ҳўжалик субъектларининг бухгалтерия ҳисоби ҳамда аудиторлик фаолиятида халқаро стандартларни жорий қилиш юзасидан илмий тадқиқотларни олиб бориш ва амалиётчи мутахассисларни халқаро дастурлар бўйича (ACCA талаблари асосида) тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими йўлга қўйилди.

Илмий грантлар, лойиҳалар бизга нима беради?

Кейинги йилларда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларини ривож-

фаолият олиб бораётир ва ҳар йили камида 2 нафари PhD илмий даражасига эга бўлмоқда. Бу кўрсаткичлари йилдан-йилга ошириб бориш бўйича чора-тадбирлар белгиланган.

Рақамларга мурожаат қиладиган бўлса, ҳозирги кунда республикамизда илмий даражалар сони ҳар миллион кишига ўртача 950 нафарга тўғри келмоқда. Мазкур кўрсаткич Жанубий Кореяда 6,5 минг, Японияда 5,2 минг, Канадада 4,5 минг, Германияда 4,4 минг, АКШда 4,1 минг, Россияда 3 минг кишини ташкил этади. Бундан кўринадики, ҳали бу борада ҳам қиладиган ишларимиз талайгина.

10 тани ташкил қилган. Жорий йилнинг айни пайтига қадар эса ушбу туркумларда 51 мақола чоп этилди. Шунингдек, Хирх индекси (h-index) юқори бўлган профессор-ўқитувчилар сонини ошириш бўйича ҳам алоҳида режа белгиланган. Ҳозирги кунда 5 мингдан ортиқ нашриётларнинг 22 минг номдаги илмий журналларни ўз ичига олган “Scopus” маълумотлар базаси асосидаги SJR (ScimagoJournal&CountryRank) ресурсининг тахлилларига кўра, Ўзбекистон битта мақолага ҳаволалар кўрсаткичи бўйича жаҳоннинг 239 та давлати ўртасида 220-ўринни эгаллаб (6,52), h-index 86 ни ташкил этмоқда. Демак, бу борада ишларни янада жонлантиришимиз талаб этилади.

Иккинчидан, профессор-ўқитувчилар таркибидан илмий даражалар сонини тизимли равишда кўпайтириш асосий масалалардан бўлиб, бу борада институтда алоҳида режа белгиланган. Айниқса, жорий йилда илмий салоҳиятни юксалтириш юзасидан янада катта марраларни кўзлаганмиз. Яъни профессор-ўқитувчилар ва тадқиқотчилар томонидан илмий даражалар олиш борасида диссертация ҳимоялари сони 68 тага етказилиб, илмий салоҳият камида 55 фоиздан оширилади. Мазкур масала бўйича докторантлар, мустақил изланувчилар фаолиятига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, илмий даражалар олиш юзасидан диссертацияларга қўйиладиган талаблар, диссертация ва диссертация авторфератини расмийлаштиришга оид семинар-тренинглари тизимли равишда уюштирилмоқда. Шунингдек, институт ҳузурида илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича ҳам зарурий чоралар қўйилди.

Биринчидан, институтнинг дунёдаги энг яхши университетлари рейтингини (QS World University Rankings) қаторидан жой олишига эришиш бўйича “Йўл харитаси” ишлаб чиқилган ва уни амалга ошириш юзасидан барча зарурий чоралар қўрилмоқда. Мавжуд ресурслар сафарбар қилинмоқда.

Сир эмас, бугунги кунда илмий тадқиқот натижаларини маҳаллий ҳамда халқаро даражада омалаштириш ҳисобига олий таълим муассасаси рейтингини ва халқаро имижини кўтариш мумкин. Бу йил институт профессор-ўқитувчилари ҳамда олимлари томонидан камида 105 та мақола “Web of Science”, “Scopus” каби халқаро маълумотлар базасида индексация қилинадиган жаҳон илмий журналларида эълон этилиши режалаштирилган.

Айни пайтда бундай мақолалар муаллифларини рағбатлантириш механизми ҳам йўлга қўйилган. Профессор-ўқитувчиларнинг илм-фан билан шуғулланишларига муносиб шароит яратиш, уларнинг маҳаллий ва халқаро академик доираларда танилишига кўмаклашиши, педагогларнинг илмий-ижодий қобилиятларини ривожлантириш, илмий тадқиқот натижаларини омалаштириши рағбатлантириш мақсадида институтда “Йилнинг энг яхши илмий-педагог ходими” ҳамда “Йилнинг энг юқори Хирх индекси (h-index) эга бўлган илмий-педагог ходими” танловларини мунтазам равишда ўтказиш йўлга қўйилди. Бу тадбирларнинг натижаси ўлароқ, “Web of Science”, “Scopus” каби халқаро маълумотлар базасида индексация қилинадиган журналларда 2016 йилда институт бўйича бор-йўғи бир мақола чоп этилган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич

Бугунги кунда институтда “Молия” илмий журналлари ҳамда “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали мавжуд. Бу ҳам профессор-ўқитувчилар ҳамда ёш тадқиқотчиларнинг илмий фаолияти натижаларини омалаштиришга, тадқиқотларни натижаларини мунтазам чоп этиб боришига катта имконият яратмоқда. Энг муҳими, ушбу журналларнинг таҳририят кенгаши аъзолари таркибидан хорижлик нуфузли экспертларнинг фаол иштирок этаётганлиги қувонарли ҳолдир.

Тахлилларга кўра, институтда фаолият юритаётган профессор-ўқитувчилар, ёш тадқиқотчилар то-

Таълим

Мақсад — кучлилар сафидан жой олиш

2020 йил 1 январдан республика миқёсидаги олий таълим муассасалари орасидан 10 та таълим муассасасига, шулар қаторида Тошкент молия институтига ҳам молиявий мустақиллик берилди. Янги ўқув йилидан бошлаб уларга академик мустақиллик берилиши ҳам назарда тутилган. Бу кенг имкониятлар яратиш билан бирга, мазкур олий таълим муассасалари зиммасига улкан вазифалар ҳам юклайди. Хусусан, нуфузли халқаро рейтинг кўрсаткичлари бўйича жаҳоннинг 1000 та университети қаторидан жой олиш.

Бу вазифани бажариш учун республикамиз олий таълим муассасалари, энг аввало, молиявий ҳамда академик мустақилликка эришаётган олий ўқув юрталари ўзларининг илмий фаолияти йўналишларини халқаро талаблар даражасида ташкил қилишлари керак бўлади. Бунинг учун ҳис этган Тошкент молия институтини жамоаси илмий фаолияти ва унинг самардорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Биринчидан, институтнинг дунёдаги энг яхши университетлари рейтингини (QS World University Rankings) қаторидан жой олишига эришиш бўйича “Йўл харитаси” ишлаб чиқилган ва уни амалга ошириш юзасидан барча зарурий чоралар қўрилмоқда. Мавжуд ресурслар сафарбар қилинмоқда.

Сир эмас, бугунги кунда илмий тадқиқот натижаларини маҳаллий ҳамда халқаро даражада омалаштириш ҳисобига олий таълим муассасаси рейтингини ва халқаро имижини кўтариш мумкин. Бу йил институт профессор-ўқитувчилари ҳамда олимлари томонидан камида 105 та мақола “Web of Science”, “Scopus” каби халқаро маълумотлар базасида индексация қилинадиган жаҳон илмий журналларида эълон этилиши режалаштирилган.

Айни пайтда бундай мақолалар муаллифларини рағбатлантириш механизми ҳам йўлга қўйилган. Профессор-ўқитувчиларнинг илм-фан билан шуғулланишларига муносиб шароит яратиш, уларнинг маҳаллий ва халқаро академик доираларда танилишига кўмаклашиши, педагогларнинг илмий-ижодий қобилиятларини ривожлантириш, илмий тадқиқот натижаларини омалаштириши рағбатлантириш мақсадида институтда “Йилнинг энг яхши илмий-педагог ходими” ҳамда “Йилнинг энг юқори Хирх индекси (h-index) эга бўлган илмий-педагог ходими” танловларини мунтазам равишда ўтказиш йўлга қўйилди. Бу тадбирларнинг натижаси ўлароқ, “Web of Science”, “Scopus” каби халқаро маълумотлар базасида индексация қилинадиган журналларда 2016 йилда институт бўйича бор-йўғи бир мақола чоп этилган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 756. 34 148 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ, Ғфсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишидан нарҳда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўллаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ISSN 2010-6784

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтариб берилади.

Газетанинг сўзасиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида термиди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланган.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуготчилар кўчаси, 32-ўй.

Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.
Муасхўҳ — Ш. Машраббев.

ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетининг Олмалиқ филиали

вакант (бўш) профессор-ўқитувчилар лавозимларига танлов эълон қилади.

КОНЧИЛИК ИШИ ВА МЕТАЛЛУРГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ

- Кончилик иши кафедраси: кафедра мудири (1), профессор (1), доцент (2), катта ўқитувчи (2), ассистент (9).
- Металлургия кафедраси: кафедра мудири (1), профессор (1), катта ўқитувчи (3), ассистент (2).
- Умумқасбий ва иқтисодий фанлар кафедраси: кафедра мудири (1), экология фани бўйича доцент (1), ҳаёт фаолияти хавфсизлиги фани бўйича доцент (1), чизма геометрия ва муҳандислик графикаси фани бўйича катта ўқитувчи (1), гидравлика ва гидропневмоюртималар фани бўйича катта ўқитувчи (1), метрология ва стандартлаштириш фани бўйича катта ўқитувчи (1), соҳа иқтисодиёти ва менежменти фани бўйича катта ўқитувчи (1), метрология ва стандартлаштириш фани бўйича доцент (1), метрология, стандартлаштириш ва ўзаро алмашинувчилар фанлари бўйича ассистент (1), чизма геометрия ва муҳандислик графикаси фани бўйича ассистент (1).

ЭНЕРГЕТИКА ВА МАШИНАСОЗЛИК ФАКУЛЬТЕТИ

- Электр техника ва электр механика кафедраси: кафедра мудири (1), доцент (2), катта ўқитувчи (4), ассистент (1).
- Машинасозлик технологияси кафедраси: кафедра мудири (1), профессор (2), доцент (2), катта ўқитувчи (2).
- Кимёвий технология кафедраси: кафедра мудири (1), доцент (1), катта ўқитувчи (2), ассистент (1).

ФАКУЛЬТЕТЛАРА УМУМТАЪЛИМ КАФЕДРАЛАРИ

- Математик ва табиий-илмий фанлар кафедраси: кафедра мудири (1), математика фани бўйича доцент (3), техник тизимларда ахборот технологиялари фани бўйича катта ўқитувчи (1), ассистент (2).
- Иجتимой гуманитар фанлар кафедраси: фалсафа фани бўйича доцент (1), диншунослик фани бўйича доцент (1), Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси, фароқлик жамияти фанлари бўйича доцент (1), Ўзбекистон тарихи фани бўйича катта ўқитувчи (1), Ўзбекистон тарихи фани бўйича ассистент (1).
- Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси: кафедра мудири (1), инглиз тили фани бўйича доцент (1), инглиз тили фани бўйича катта ўқитувчи (1), рус тили фани бўйича катта ўқитувчи (1), немис тили фани бўйича катта ўқитувчи (1), ўзбек тили фани бўйича катта ўқитувчи (1), инглиз тили фани бўйича ассистент (2).

* Эслатма: Чет тиллар кафедраси лавозимларига танловда иштирок этувчилар “CEFR” халқаро тест тизими даражасига эга бўлганлик ҳақида сертификат ёки “IELTS” ва “TOEFL” халқаро тест тизимларининг тенглаштирилган кўрсаткичлари ҳақида сертификатга эга педагог-ҳодимлар имтиёзга эга.

Танловда қатнашишни хоҳловчилар директор номига ариза билан кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа, дипломлар ва аттестатлар нусхалари, илмий ишлар ҳамда ихтиролар рўйхати, малака оширганлик тўғрисида ҳужжатлар нусхаларини топширади.

Аризалар эълон чоп этилган санадан бошлаб бир ой муддатда қабул қилинади.

Эслатма: мазкур университет (филиал)да ишловчи шахслар ўтган муддат бўйича кафедрада ҳисобот берадилар, танловда иштирок этувчилар синов дарслари ўтадилар.

Манзил: Олмалиқ шаҳри,
Мирзо Улугбек кўчаси,
ТДТУ ОФ бош биноси,
Телефонлар: 94-948-14-50,
94-407-01-72, 97-705-11-09.

«Qizilqumgeologiya» давлат унитар корxonаси
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 ноябрдаги «Нефть ва газ геология-қидирув ишларини ташкил этиш ва олиб бориш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарори ва Давлат активларини бошқариш агентлиги Навоий вилояти ҳудудий бошқармасининг 2020 йил 26 июндаги 108 а-ф сонли буйруғига асосан қайта ташкил этиш йўли билан «Qizilqumgeologiya» акциядорлик жамиятига (СТИР 305413770) айлантирилди.

«Qizilqumgeologiya» АЖ «Qizilqumgeologiya» ДУКнинг шартномалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.15 Топширилди — 01.50 1 2 3 4 5 6